

2022 йил «11» январ

Тошкент ш.

“Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси номидан (кейинги ўринларда “Лизинг берувчи” деб юритилади) унинг Устави асосида иш юритувчи Ижро этувчи директор в.б. Б.Бегматов бир томондан ва иккинчи томондан ўз Устави асосида иш юритувчи TUYAMO‘YIN GIDROUZELIDAN FOYDALANISH BOSHQARMASI (кейинги ўринларда “Лизинг оловчи” деб юритилади) 1988 йил 12 июлда давлат рўйхатидан ўтганлиги тўгрисидаги \_\_\_\_\_ - сонли гувоҳномага эга бўлган лизинг оловчи корхона раҳбари К.С.Бабажанов ушбу шартномани Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 587-599 моддалари, “Лизинг тўгрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан куйидаги мазмунда туздилар:

**ШАРТНОМАНИНГ МАКСАДИ**

“Лизинг берувчи”, “Лизинг оловчи”нинг буюртмаси асосида **WZ30-25** русумли 1 (бир) дона ковш сиғими **0,3/1м<sup>3</sup>**, кулоч узунлиги **5,5 м** завод раками \_\_\_\_\_ двигатель раками \_\_\_\_\_ бўлган гидриакли экскаваторюклагични (кейинги ўринларда “Лизинг обьекти” деб юритилади) “Сотувчи” ҳисобланган “UzXCMG” МЧЖ шаклидаги Кўшма Корхонаси (кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади)дан ўзига мулк қилиб сотиб олади ва ушбу шартномада белгиланган лизинг шартларида ҳак эвазига эгалик килиш ҳамда фойдаланиш учун келгусида сотиб олиш ҳукуки билан “Лизинг оловчи”га беради.

**1. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ЛИЗИНГГА РАСМИЙЛАШТИРИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ**

2.1 “Лизинг обьекти” ушбу шартноманинг 3, 4.1, 4.2 - бандларида келишилган шартлар “Лизинг оловчи” томонидан бажарилгандан сўнг, “Сотувчи” “Лизинг берувчи”га уни етказиб берганидан кейин 10 (үн) кун ичida “Лизинг оловчи”га расмийлаштириб берилади.

2.2. “Сотувчи” билан “Лизинг берувчи” ўртасида тузилган олди-сотди шартнма шартларига мувофиқ, “лизинг обьекти” бутлигига қўйидагилар киради:

- WZ30-25 русумли 1 (бир) дона гидриакли экскаватор-юклагич (йифилган ҳолда) ва сифат сертификати нусхаси;

- Экскаватор-юклагичдан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш тўгрисида қўлланма;

- Экскаватор-юклагичга хизмат кўрсатиш бўйича асбоб ва мосламалар тўплами.

2.3. “Лизинг обьекти”ни суғурталаш, ишга тушириш, соз ҳолатда саклаш, техник сервис хизматини кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда лизинг муддати даврида “лизинг обьекти”га етказилган ҳар қандай зарар (узел ва деталларининг ишдан чиқиши, синиши, муддатидан олдин ейилиши ва бошқалар) билан боғлик бўлган барча харажатларни “Лизинг оловчи” ўз ҳисобидан амалга оширади.

2.4. “Лизинг обьекти”ни ўз манзилига олиб кетиш Лизинг оловчи” томонидан унинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

2.5. “Лизинг обьекти”ни “Давтехназорат” инспекциясидан рўйхатдан ўтказиб ягона номер белгисини олиш, биринчи ва кейинги ҳар йилги техник кўрикдан ўтказиш, техник паспорт ва техник талон учун белгиланган йигимларни тўлаш “Лизинг оловчи” томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. “Лизинг обьекти” Вазирлар Маҳкамасининг 31.08.2017й. 683-сон қарорига 1-илованинг 37-банди биринчи хатбошисига мувофиқ “Лизинг оловчи”нинг номига рўйхатга олинади.

**3. АВАНС ВА ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИНИ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ**

3.1. “Лизинг обьекти”нинг бошлангич (дастлабки) қиймати **510 000 000,00** (беш юз ўн миллион сўм 00 тийин) сўмга ва Кўшилган қиймат солиғи ҚҚС қиймати **76 500 000,0** (етмиш олти миллион беш юз минг сўм 00 тийин) сўмга тенг.

3.2. Лизинг муддати даврида лизинг ставкасининг (маржа) миқдори йилига **21 (йигирма бир)** фоиз миқдорида этиб белгиланади.

3.3. Лизинг муддати ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловага асосан **5 (беш)** йил муддатга тенг деб белгиланади.


- 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган қисми, яъни 153 000 000,0 (бир юз эллик уч миллион сўм 00 тийин) сўмни аванс шаклида **20 210 000 504 688 640 001**-сонли ҳисоб ракамга;

- 15 (ўн беш) фоизидан кўшилган қиймат солиғи ҚҚС, яъни **76 500 000,0** (етмиш олти миллион беш юз минг сўм 00 тийин) сўмни **20 210 000 504 688 640 001**-сонли ҳисоб ракамга;

- 3 (уч) фоизи, яъни 15 300 000,0 (ўн беш миллион уч юз минг сўм 00 тийин) сўмни воситачилик (комиссион сбор) йигими сифатида **20 210 000 504 688 640 001**-сонли ҳисоб ракамга “Лизинг оловчи” ўз маблағлари ҳисобидан тўловни амалга оширади.

- “Лизинг обьекти”га ўрнатиладиган GPS тракерининг нархи 720 000,00 (етти юз йигирма минг сўм) шундан 1 (бир ойлик) ўртacha абонент тўлови 24 000 (йигирма тўрт минг сўм) ўслиб, 60 (олтмиш) ойга 1 440 000,00 (бир миллион тўрт юз қирқ минг) сўм. **GPS тракерининг тэндархи ва 60 ойлик тўловлар жами 2 070 000,00** (икки миллион бир юз олтмиш минг) сўмни **20 210 000 504 688 640 001**-сонли ҳисоб Лизинг берувчи (Имзо, муҳр)

Лизинг оловчи (Имзо, муҳр)



рақамига “Лизинг олувчи” ўз маблағлари хисобидан “лизинг обектини” қабул қилишдан олдин тўловни амалга оширади.

3.4 “Лизинг олувчи” томонидан шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (үн беш) иш кунлик муддатда сугурта полиси ва лизинг тўловлари тўланишининг таъминоти сифатида қўшимча гаров тақдим этилади.

Ушбу шартнома аванс тўлови тўлиқ амалга оширилиб, таъминот ҳужжатлари камчиликларсиз тақдим этилгандан сўнг юридик кучга эга бўлади, акс ҳолда шартнома ўз кучини йўқотади ва “лизинг обекти” берилмайди. Тўлиқсиз аванс тўлови ёки ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаслиги кейинчалик техникани қайтариб олишга асос бўлиши мумкин.

3.5 Ушбу шартномага мувофиқ “лизинг обекти” “Лизинг олувчи”га расмийлаштириб берилиши муддати мобайнида “Сотувчи” томонидан нархи (қиймати) ўзгартирилса, у ҳолда “Лизинг берувчи” бу тўғрида “Лизинг олувчи”ни телефон ёки хат орқали хабардор қиласди. “Лизинг олувчи” ва “лизинг берувчи” “лизинг обекти” қийматининг ўзгариши муносабати билан келиб чиқадиган оқибатлар бўйича ушбу шартномага тегишлича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қўшимча келишувни имзолайдилар ҳамда “Лизинг олувчи” аванс тўловларининг етишмаган қисмини қўшимча келишувда белгиланган муддатларда тўлаб беради.

3.6 Ушбу шартноманинг 3.1, 3.2 ва 3.3 бандларида белгиланган шартларни “Лизинг олувчи” томонидан ўз вактида бажарилмаслиги оқибатида шартномада белгиланган русумдаги “лизинг обекти”, уни “Лизинг олувчи”га топшириш муддати ичидаги қолмаган (яъни, ишлаб чиқарилиши тўхтатилган, сотиб тутатилган) бўлса, у ҳолда томонлар “лизинг обекти”нинг русуми ёки етказиб бериш муддатини ўзгартириш бўйича шартномага ўзгартириш киритадилар.

3.7 Лизинг тўловлари техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган ойнинг кейинги ойидан бошлаб “Лизинг олувчи” томонидан ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1А-иловага асосан ҳар ойлик лизинг даври учун фоиз ҳисбланишини ҳисобга олган ҳолда ва ойлик тўлов жадвали (графиги)да белгиланган муддат ва миқдорларда амалга оширилади.

3.8 Лизинг тўловлари “Лизинг олувчи”нинг ўз хоҳишига кўра шартноманинг тўлов графигида кўрсатилган муддатлардан олдин ҳам тўланиши мумкин. Лизинг тўловларининг қанча миқдорда олдиндан тўланишидан қатъий назар лизинг суммаси шартномада белгиланган миқдорда тўлиқ тўланиши шарт.

3.9. Лизинг тўлови учун келиб тушган суммадан биринчи навбатда мазкур шартнома бўйича Лизинг берувчининг қилган харажати, лизинг тўловидан бўлган асосий қарз ва фоиз тўлови, шартнома шартларининг бузилиши натижасида “Лизинг олувчи”га нисбатан ҳисобланган пена суммаси қопланади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1 Тарафларнинг ушбу шартнома юзасидан вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу шартнома, Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси, “Лизинг тўғрисида”ги ва “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқукий базаси тўғрисида”ги Қонунлари билан тартибга солинади.

4.2 Мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, тарафлар бир-бирларини қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишлари мумкин.

#### **4.3 ЛИЗИНГ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

4.3.1 Ушбу шартномада кайд этилган шартларда, суммада ва муддатларда лизинг обектини олиш.

4.3.2 “Лизинг берувчи”дан лизинг шартномаси шартларини лозим даражада бажарилишини талаб қилиш.

4.3.3 “Сотувчи”га ёки унинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига (агар шундай ваколатхона мавжуд бўлса) ва “Лизинг берувчи”га “Лизинг обекти” олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаш ва ҳоказолар ҳусусида талаблар қўйиш.

4.3.4 Қабул қилинган “Лизинг обекти” носоз бўлган тақдирда “Сотувчи”га ва “Лизинг берувчи”га “Лизинг обекти”нинг носозликлари тўғрисида расман эътиroz билдириш ва тузатиб беришини талаб қилиш.

4.3.5 Лизинг шартномаси “Лизинг берувчи”нинг айби билан муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, шартноманинг 1-А иловасида келишилган тўлов жадвалида белгиланган суммадан ортиқча тўлаб қўйилган маблағни қайтариб беришни талаб қилиш.

4.3.6 Лизинг муддати мобайнида “Лизинг обекти”дан фойдаланиш.

4.3.7 Ушбу шартнома умумий суммасининг тўлиқ миқдори “Лизинг берувчи”га тўланганидан сўнг, “Лизинг обекти”ни алоҳида тузиладиган икки тараф ўртасидаги шартномага кўра мулк сифатида қабул қилиб олиш.

#### **4.4. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.4.1 Лизинг тўловларини шартномада белгиланган муддатларда тўлаш.

4.4.2 “Лизинг берувчи”га куйидаги кайд этилган таъминот турларининг бирини тақдим этилишини таъминлаш:

Лизинг берувчи (Имзо, муҳр)



Лизинг олувчи (Имзо,муҳр)



• Юридик шахс кафиллиги

Суғурта корхонаси кафолати

(такдим этилаётган таъминот турлари бўйича маълумотлар тўлиқ киритилиши лозим)

4.4.3 “Лизинг олувчи” томонидан “Лизинг обьекти”ни банк кредитига, учинчи шахс таъминоти сифатида гаровга такдим этиши ва умуман ҳар қандай турдаги гаров учун фойдаланилишига йўл қўймаслик (Бунга йўл қўйилганида лизинг техникасини сўзсиз равиша олиб қўйилишига ва тўлаган пулларини қайтарилимагига асос бўлади).

4.4.4 “Лизинг олувчи” корхонанинг раҳбари инвестиция лойиҳаси (лизинг обьекти) маълумотларини ўз вақтида тақдим этиши ва ишончлилиги, лойиҳани техник-иктисодий асослаш ва пул оқимларининг бизнес-реже параметрларига мувофиқ амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб бериш.

4.4.5 “Лизинг берувчи”га гаровга берилаётган мулк ва моддий бойликларни суғурта компанияларида суғурталаш, лизинг шартномаси юридик кучга эга бўлиши учун қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатга асосан нотариал тасдилаш, давлат рўйхатидан ўtkазish.

4.4.6 “Лизинг олувчи” томонидан лизинг тўловлари лизинг шартномаси ва унинг ажралмас қисми бўлган тўлов жадвалида белгиланган муддатларда қайтарилимаган, “лизинг обьекти”дан фойдаланиш мажбуриятлари бузилган, ҳисоботлар ноаниқ бўлган ҳолатларда “Лизинг берувчи”га бирламчи ҳисобот ва ҳисоб-қитоб ҳужжатларини ўрганишга рухсат бериш.

4.4.7 Лизинг тўловлари белгиланган муддатларда қайтарилимаган ҳолатларда ҳар бир кечикирилган кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоиз микдорида аммо кечикирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлаб бериш (ушбу пеня “Лизинг берувчи” томонидан огоҳлантиришсиз, Лизинг олувчидан келиб тушаётган тўловлар ҳисобидан ушлаб қолиниши мумкин). Ушбу шартноманинг 6.2 бандида белгиланган тартибга қатъий риоя қилиш.

4.4.8 Гаров сифатида тақдим этилган мулк ҳамда “лизинг обьекти” яхлитлигини сақлаш юзасидан тўлиқ моддий жавобгар бўлиш, лизинг тўловлари тўлиқ тўлангунга қадар уларни бошқа шахсларга бермаслик.

4.4.9 Кафил бўлувчи ташкилот тугатилиши, банкротлик ҳолатига келиб қолиши каби ҳолатлар рўй берганда “Лизинг берувчи” талабига биноан олиниши лозим бўлган тўловларни муддатидан олдин тўлаб бериш ёки таъминотига бошқа ликвидли мол-мулк тақдим этиш.

4.4.10 Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвалига асосан лизинг тўловларини тўлиқ қайтариш.

“Лизинг обьекти”ни ҳар йили ўз ҳисобидан техник қўриқдан ўtkazish.

4.4.11 “Лизинг обьекти”ни тегишли шаклда расмийлаштирилган, “Лизинг обьекти”ни ўtkazib бериш шартномаси ва Мулк ҳукуқи далолатномаси асосида ўз мулки қилиб олганидан кейинги 10 кунлик муддат ичida ИИБ ЙҲҲБнинг тегишли идорасида ўз номига қайта рўйхатдан ўtkazish (бунда, қайта рўйхатга қўйиш бўйича белгиланган барча йигимларни ўз ҳисобидан амалга оширилади).

4.4.12 “Лизинг обьекти”дан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги, техник носозлиги, ишлатишни иктисадий самарасизлиги, об-ҳавонинг нокулай келиши ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар юзага келишидан қатъий назар барча лизинг туловларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш.

4.4.13 “Лизинг обьекти”дан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда, унинг техник ҳужжатларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ фойдаланиш, техникани маҳсус ўкув курсини тугатиб тегишли бошқариш гувоҳномасини олган мутахассисга алоҳида бўйруқ ва моддий жавобгарлик юқлатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни расмийлаштирган ва техникадан фойдаланиш шартларидан тўлиқ хабардор қилган ҳолда, ундан бу ҳақда тилҳат олиб кейин бириктириш (Шулардан биронтасининг йўклиги техникани олиб қўйишга асос бўлади).

4.4.14 “Лизинг обьекти” мото-соат кўрсаткичини бузмаган ҳолда ишлатиш, ишдан чиқмаган (ва янги) таркибий қисмлари ва деталларини алмаштираслик, Лизинг обьектини тозаликда, хавфсиз жойда, техник соз ҳолатига сақлаш ҳамда Лизинг обьектига ўз ҳисобидан техник хизмат (TX)лар ва баҳорги-ёзги ҳамда кузги-қишики мавсумий техник хизматлар (MTX)ни амалга ошириш. Бунда техника учун мониторинг дафтари юритиш, техник хизматлар кўрсатилиши (мой ва филтрларни техниканинг ҳужжатиларида белгиланган тартиб ва муддатларда алмаштириш ва б.бажарилиши)ни таъминлаш, техникадан факат мақсадли фойдаланиш ва унинг техник соз ва бут ҳолатда сақлаш, “Лизинг обьекти” ёрдамида ноконуний ишларни килмаслик, учинчи шахсларга бермаслик ва каровсиз колдирмаслик (шулардан бири аниқланганда “Лизинг обьекти” сўзсиз равиша олиб қўйилади ва зарар ундирилади).

4.4.15 “Лизинг берувчи” ва “Сотувчи”нинг ёзма рухсатисиз “Лизинг обьекти”нинг конструкциясига ўзгартиришлар киритмаслик, “Лизинг обьекти” учун мўлжалланмаган ускуна ёки ќиҳозларни ўрнатмаслик.

“Лизинг берувчи” томонидан ўtkazilaётган мониторинг вақтида “лизинг обьекти”ни яширишга ҳаракат килмаслик, уни дарҳол кўрсатиш (“лизинг обьекти”ни яширишга уриниш шартномани бир тарафлама бекор килиш ва техникани олиб қўйишга асос бўлади).

Лизинг берувчи (Имзо, муҳр)



Лизинг олувчи (Имзо, муҳр)

4.4.16 “Лизинг олувчи” бошқа турдаги хұжалик шаклига айлантирилса ёки бутунлай тугатылса, у ҳолда мазкур шартномага құшимча келишув тузилиб, “Лизинг берувчи”нинг розилиги билан тарафлар “Лизинг объекті”ни түлов қобилятига эга бўлган ҳуқуқий ворисларидан бирига ёки учинчи шахс фойдасига ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан воз кечиш орқали ёки бошқа қонуний асосларда олиб берилиши масаласи кўриб чиқиши.

4.4.17 “Лизинг берувчи” ва ИИБ ЙХХБнинг жойлардаги бўлинмалари вакилларини “Лизинг объекті”ни техник мониторингдан ўтказишларига қаршилик қилмаслик.

4.4.18 “Лизинг олувчи” қонун ҳужжатлари ва ушбу шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

4.4.19 “Лизинг олувчи”нинг ҳар қандай қайта ташкил этилиши, хусусийлаштирилиши, бирлашиши ёки мулкчилик шаклининг ўзgartирилиши ҳамда бошқа вазиятларнинг юзага келиши ёхуд тугатилиш ҳолати “Лизинг олувчи”ни, унинг ҳуқуқий вориси ёки ворисларини ушбу лизинг шартномаси бўйича мажбуриятларидан озод этмайди.

#### **4.5. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

4.5.1 “Лизинг олувчи” томонидан асосий қарз ва фоиз түловлари ушбу шартнома ва унинг түлов жавдали асосида тўланмаганда кечиктирилган түлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган түлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлашни талаб қилиш ва ушбу суммани ундириб олиш. Тўлов икки мартадан ортиқ кечиктирилганда “лизинг объекті” учун қанча сумма тўланганидан қатъий назар (тўлов умумий сумманинг 3/2 қисмидан ошганда ҳам) мазкур шартномани бекор қилиб, “лизинг объекті”ни қайтариб олиш.

4.5.2 Лизинг таъминоти сифатида тақдим этилган мулкларни Фуқаролик кодексининг 280 моддасида белгиланган тартибда ўз ҳисобига олиш.

4.5.3 Лизинг олувчининг пул ёки бошқа маблағлари етишмаган тақдирда қарзларни суд орқали Лизинг олувчининг асосий воситалари ёки бошқа мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириш.

4.5.4 Лизинг шартномаси амал қилиш жараёнида:

- Лизинг олувчининг бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисботларни олиш ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиш;
- кафил бўлган ташкилотнинг молиявий ҳисботини таҳлил қилиш, гаровга олинган мулк ҳолатини жойида ўрганиш.

“Лизинг олувчи” томонидан лизинг тўловларини тўлаш ушбу шартноманинг 4.5 бандида келишилган шартларда ва 1-А иловасида белгиланган муддатда ва миқдорларда тўланмаса ёки тўлов муддатидан 30 (үттиз) кундан ортиқ муддатга кечиктирилса:

“Лизинг олувчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига белгиланган тартибда бажарилиши лозим бўлган тўлов талабномасини кўйиши;

“Лизинг олувчи”ни ёзма равишида огоҳлантириб лизинг тўловлари бўйича ҳосил бўлган қарзлар суммасини “Лизинг олувчи”дан ва Кафиллик шартномаси ёки гаров таъминотидан ўрнатилган тартибда ундириш;

“Лизинг объекті”ни “Лизинг олувчи”дан белгиланган тартибда қайтариб олиш.

4.5.5 Ушбу шартномада баён этилган ҳолат бўйича томонлар мазкур шартномага құшимча келишув киритиш масаласида ўзаро келишувга эриша олмасалар, у ҳолда “лизинг объекті”ни лизингга расмийлаштириб бериш мажбуриятидан бир тарафлама бош тортиш.

4.5.6 “Лизинг олувчи”нинг “лизинг объекті”га ягона номер белгисини ўрнатганигини, ундан максадли фойдаланаётганлиги ва ўз вақтида техник хизматлар кўрсатганигини назорат қилиш соҳасида мониторинг олиб бориш бўйича ўз ҳуқуқларини қисман ИИБ ЙХХБнинг жойлардаги бўлимларига бериш.

4.5.7 “Лизинг объекті”га “Лизинг берувчи”нинг номи ёзилган тамға ёки тасма ўрнатиш.

4.5.8 “Лизинг берувчи” қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **4.6 ЛИЗИНГ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**


4.6.1 Мазкур лизинг шартномаси бўйича “лизинг объекті”ни ўз муддатидан “лизинг олувчи”га топшириш.

4.6.2 “Лизинг олувчи” “лизинг объекті”ни қабул қилиб олган ойнинг кейинги ойи бошидан лизинг бўйича тўловларни хисоблаш.

4.6.3 Лизинг тўловлари муддатидан олдин ундирилишининг сабаблари тўғрисида “лизинг олувчи”га ёзма равишида хабар бериш.

4.6.4 “Лизинг объекті”га ягона номер белгисини олиниши ва ўрнатилишини, тегишли давлат назорат хизмати (ЙХХ, Давтехназорат инспекцияси ва б.) идораларида уни ўз номига рўйхатдан ўтказилишини амалга ошириш. Яъни, бу ҳолат лизингнинг бутун даврида “лизинг объекті” “Лизинг берувчи”нинг номига расмийлаштирилганда кўлланилади. Фақатгина лизинг муддати тугаб, “лизинг объекті” “лизинг олувчи”га алоҳида шартнома асосида ўтказилганидан кейингина “лизинг берувчи” номидан чиқарилади ва “лизинг олувчи”га қайта расмийлаштирилади. Шундан кейин “лизинг объекті”га эталик ҳуқуки “Лизинг олувчи”га ўтади.

Лизинг берувчи (Имзо, муҳр)



Лизинг олувчи (Имзо,муҳр)

## **5. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ**

5.1 “Лизинг объекти” божхона худудида “Сотувчи”дан қабул қилиб олиш бўйича тегишлича Далолатнома тузилган вақтдан бошлаб, “Сотувчи” билан тузилган “Лизинг объекти”ни харид қилиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган шартларда ва кафолатли таъмирлаш муддатида бузилган тақдирда (агарда “лизинг объекти”дан фойдаланишда “Сотувчи” томонидан тасдиқланган “лизинг объекти”дан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш тўғрисида қўлланма талабларига риоя этилган ва бундай бузилиш “Сотувчи”нинг айби билан содир бўлган бўлса) “Сотувчи” томонидан кафолатли таъмирланади. Кафолатли таъмирлаш муддати ичida “лизинг объекти” бузилган тақдирда “Лизинг оловучи” Давтехназорат инспекциясининг жойлардаги бўлинмаси вакили иштирокида ёзма равишида носозликнинг сабабларини кўрсатган ҳолда рекламация далолатномаси (акт рекламинаци)ни тузади ва уни муҳр ва имзолар билан расмийлаштирган ҳолда тегишли алоқа воситаси орқали (факс, почта алоқаси орқали) “Сотувчи”га ёки унинг ваколатхонаси (агар, унинг Ўзбекистонда ваколатхонаси бўлса) ва “Лизинг берувчи”нинг манзилига юборади. Шундай хабар олинганидан сўнг “Лизинг берувчи” бу ҳакда “Сотувчи”ни расман хабардор килади. “Сотувчи” 15 кун муддат ичida reklamacija далолатномасини кўриб чиқади ва эътиroz билдиrmаса у қабул қилинган ҳисобланади. Рекламация далолатномаси қабул қилинган вақтдан бошлаб 45 (қирк беш) кунлик муддат мобайнида ва “Лизинг объекти”ни харид қилиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган талабларда ўз ҳисобидан “лизинг объекти”нинг носозлигини тузатиб беради ёки унинг нуқсонли деталларини янгисига алмаштириб беради. Бунда, кафолатли таъмирлаш муддати носозликни тузатиш ёки нуқсони бор деталларини алмаштириш учун сарф этилган даврга тенг миқдорга узайтирилган ҳисобланади.

5.2 Кафолатли таъмирлаш муддати ичida “лизинг объекти”нинг маҳсус пломбаланган узел ва агрегатлари фақат “Сотувчи” томонидан расмий рухсат берилган таъмирлаш устахонаси ёки корхонадагина тузатилиши мумкин. Ушбу бандда белгиланган келишувга зид равишида техника “лизинг оловучи”нинг ўзидағи ёки бошқа хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида таъмирланганида ёки эҳтиёт қисмлар ўрнатилган ҳолатда жавобгарлик “лизинг оловучи”га юқлатилади. “Лизинг берувчи” бу ўринда хеч қандай масъулиятни олмайди.

5.3 Кафолатли таъмирлаш муддати ичida “Лизинг оловучи”нинг айби билан “лизинг объекти” ишдан чиқкан ёки рухсатсиз унинг маҳсус пломбаланган узел ва агрегатлари бузилганда, таъмирлаш “Лизинг оловучи”нинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Кафолатли таъмирлаш муддати тугаганидан кейинги сервис хизматлар “Лизинг оловучи” билан “Ўзмелиомашлизинг” ДУК ҳузуридаги “Мелиомашлизингсервис” МЧЖ ўртасида тузиладиган алоҳида шартнома асосида амалга оширилади.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1 Тарафларнинг жавобгарлиги қонун хужжатлари ва ушбу шартномага асосан белгиланилади.

6.2 Лизинг тўлови ушбу шартноманинг 1А иловасида кўрсатилган миқдор ва муддатларда амалга оширилмаса, “Лизинг оловучи” тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3 Агар “Лизинг берувчи” томонидан унинг айби билан ушбу шартномада келишилган муддат ичida “лизинг объекти” етказиб берилмаса, “Лизинг берувчи” “Лизинг оловучи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеня суммаси етказиб берилмаган “лизинг объекти” умумий қийматининг 5 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.4 Ушбу шартноманинг бутун амал қилиш муддати мобайнида техника билан боғлик бўлган барча хавфлар, жисмоний шахслар ва учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган барча маънавий, моддий ва бошқа жавобгарликлар “лизинг объекти” топширилган пайтдан бошлаб “Лизинг оловучи”нинг зиммасига ўтади.

6.5 “Лизинг берувчи” ўз вақтида лизингга расмийлаштириб бермаганини учун қўйидаги ҳолатларда “Лизинг оловучи” олдида жавобгар бўлмайди ва ушбу шартнома 6.3 бандидаги белгиланган пеняни тўламайди:

“Лизинг оловучи” аванс суммасини шартномада белгиланган муддатларда тўламаган ёки сугурта полисини, Кафиллик шартномаси ёки гаров таъминотини ўз вақтида тақдим этмаган бўлса;

“Сотувчи” томонидан олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда “лизинг объекти” ишлаб чиқарилмаган ва “Лизинг берувчи”га етказиб берилмаган бўлса (ФК-598 модда).

6.6 “Лизинг берувчи” “Лизинг оловучи” олдида “лизинг обекти”нинг кафолатли таъмирлаш даврида бузилган тақдирда ўз вақтида тузатилмаслиги, бузилиб ишдан чиқиши, техник сервис хизматининг кўрсатилиши, таъмирланиши ва бошқалар юзасидан жавобгар бўлмайди (ФК-598 модда).

6.7 Лизингга олинган “лизинг объекти”нинг бузилишида айбор, бўлган “Лизинг оловучи”лар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

6.8 “Лизинг оловучи”нинг ушбу шартномада кайд этилган ўз мажбуриятларини бажармаганини ёки лозим даражада бажармаганини натижасида “лизинг объекти” шикастланган, яъни таркибий қисмлари ва Лизинг берувчи (Имзо, муҳр)



деталлари ишдан чиқиши туфайли ўз иш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган вазиятда “Лизинг берувчи” “Лизинг олувчи”дан “лизинг обьекти”ни белгиланган тартибда қайтариб олса, у ҳолда Ўз.Р. ФКнинг 570 ва 324- моддаларига мувофиқ, “Лизинг олувчи” “Лизинг берувчи” мулкига етказилган зарар суммасини тўлайди, зарар суммаси суд томонидан аниқланади. Судга, Давтехназоратнинг шаҳар ёки туман инспекцияси томонидан тузилиб тасдиқланган “лизинг обьекти”ни ишдан чиққанлиги тўғрисидаги далолатнома, ишдан чиққан таркибий қисмлари ва деталларининг тасдиқланган рўйхати ҳамда шу турдаги таркибий қисм ва деталларнинг сотовуда мавжуд нархларда қанча туришини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

Тарафлар табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлаш, эпидемия, томонлар учун мажбурий кучга эга бўлган Хукумат органларининг хужжатлари чиқарилган ҳолатлар натижасида шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли тарзда бажара олмаган бўлсалар, форс-мажор ҳолати тугагунигача бўлган муддатларга уни бажаришдан қисман ёки тўлиқ озод этиладилар.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

Тарафлар шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни имконият даражасида ўзаро келишувга асосан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

Тарафларнинг ўзаро келишувни натижасида ўз ечимини топмаган низолар судда кўриб чиқилади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

Шартнома, уни икки тараф имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва ушбу шартноманинг 1А иловасида кўрсатилган лизинг тўловлари “Лизинг берувчи”нинг ҳисоб рақамига тўлиқ келиб тушган ва томонлар ўртасида тегишлича якуний бухгалтерия солишишиш далолатномаси тузилган кунгача амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиши “Лизинг олувчи”нинг айби билан муддатидан олдин тўхтатилганида, бундай ҳолат лизинг учун олдин тўланган тўловларга тегишли бўлмайди ва улар “Лизинг олувчи”га қайтарилимайди.

## 10. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЛИЗИНГ ОБЬЕКТИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

10.1 Ушбу шартномага ўзгартирниш ва қўшимчалар киритиш, шартномани бекор қилиш тарафларнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган келишувни асосида амалга оширилади.

10.2 “Лизинг олувчи” ушбу шартноманинг 3 ва 4 бандларида келишилган муддатларда аванс тўловини тўлиқ тўламаса ва суғурта полисини, Кафиллик шартномаси ёки гаров таъминотини тақдим этмаса, лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаса ҳамда “Лизинг берувчи” томонидан ёзма равишда юборилган расмий огоҳлантириш хати асосида берилган қўшимча 30 кунлик вақт мобайнида ҳам ушбу мажбуриятини бажармаса, у ҳолда Лизинг берувчи шартномадан воз кечишга, яъни шартномани муддатидан олдин бир тарафлама бекор қилишга, лизинг обьектини қайтариб олишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарар (лизинг тўловидан қарздорлик, пеня ва бошқа заарлар)ни ундириб олишга ҳақли (ФКдаги қоида).

Бунда, “Лизинг берувчи”, “Лизинг олувчи”ни расмий огоҳлантиргани ҳолда унга хулоса қилиш ва ўз мажбуриятини бажариш учун 30 (ўттиз) кунлик муддат беради (ФК 384-м.).

Шундан кейин ҳам “Лизинг олувчи” ўз мажбуриятларини бажармаса, у шартномани бекор қилинишини, техникани қайтарилишини, мавжуд қарздорликни, қарздорлик бўйича хосил бўлган пеня ва “лизинг обьекти”га етказилган зарар суммасини тўлаб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

“Лизинг берувчи” бундай ҳолатларда “лизинг обьекти”ни хатлаб (банд солиб), корхонанинг маҳсус муҳри ва тамғаси туширилган хатлов қоғоздан фойдаланган ҳолда уни ҳаракатдан тўхтатилганини билдиради ва “лизинг олувчи”нинг раҳбар ва масъул ходимларига “лизинг обьекти”ни тилхат асосида топширади. Хатлов қоғози “лизинг берувчи” ва “лизинг олувчи” масъуллари томонидан имзоланади.

“Лизинг обьекти” хатланиб, муҳрланганидан кейин ушбу муҳрни “лизинг берувчи”нинг ёзма руҳсатисиз олиб ташлаш ёки “лизинг обьекти”дан фойдаланиш мумкин эмас. Акс ҳолда “лизинг олувчи”га нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

Бир ойлик муддатда “лизинг обьекти” бўйича аниқланган камчилик (қарздорлик) ёки нуқсон бартараф қилинган тақдирда “лизинг обьекти” хатловдан чиқарилиб, “лизинг олувчи”га топширилиши мумкин. Бир ойлик муддатда камчилик “лизинг олувчи” томонидан бартараф қилинмаса, “лизинг обьекти”ни олиб кетиш ва бошқа талабгор ёки “лизинг олувчи”ларга бериш чоралари кўрилади ёхуд белгиланган тартибда судга мурожаат қилиниши мумкин.

10.3 “Лизинг обьекти” бевосита “лизинг берувчи” томонидан ёки суд қарорига кўра олиб қўйилган тақдирда “лизинг олувчи” олиб қўйилган “лизинг обьекти”дан фойдалангани учун хосил бўлган қарздорлик ва неустойка суммаларини тўлаш мажбуриятидан озод қилинмайди.

10.4 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ҳам бекор қилиниши мумкин. Тарафлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда эса шартнома суднинг қарорига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.  
Лизинг берувчи (Имзо, муҳр)

Лизинг олувчи (Имзо, муҳр)



10.5 Лизинг шартномаси “Лизинг берувчи”нинг талабига мувофиқ Ўз.Р. ФКнинг 382 ва 551-моддаларида белгиланган ҳолатлар бўйича суд томонидан муддатидан олдин ҳам бекор килиниши мумкин.

10.6 Лизинг шартномаси бекор килинганида “Лизинг оловчи” “лизинг обьекти”ни “Лизинг берувчи”дан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва ушбу шартномада шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ягона номер белгиси билан биргаликда қайтариши шарт.

10.7 “Лизинг оловчи” банкрот бўлган, тугатилган, мол-мулки хатловга олинган ёки мусодара килинган тақдирда, “лизинг обьекти” “Лизинг берувчи”га сўзсиз қайтарилиши шарт.

## 11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1 “Лизинг берувчи”нинг ҳисоб рақамига лизинг шартномаси умумий қийматининг тўлиқ миқдори келиб тушганидан сўнг, “лизинг обьекти”га мулк сифатида эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш хуқуки тарафлар ўртасида тузиладиган алохидаги мулк хуқукини ўtkазиш шартномаси расмийлаштирилганидан кейингина “Лизинг оловчи”га ўтади.

11.2 Ушбу лизинг шартномасига мувофиқ “лизинг обьекти”ни “Лизинг оловчи”га расмийлаштириб бериш муддатлари ичida Марказий банк ставкалари, нархлар, қарз фоизлари миқдори ва бошқалар ўзгарса ва уларнинг ўзгариши мазкур шартноманинг бажарилиши учун “Лизинг берувчи” томонидан амалда килинган (ёки қилинадиган) харажатларнинг ортиб кетишига ва унинг молиявий йўқотишларига олиб келадиган бўлса, тарафлар шартномага қўшимча келишув киритиш орқали лизинг маржаси ставкасини, нархни ва умумий лизинг суммасини ўзgartiriшга келишиб оладилар.

11.3 Лизинг муддати мобайнида “Лизинг оловчи” томонидан “лизинг обьекти”ни техник жиҳатдан соз ҳолда ишлашини таъминлаш ва унинг ҳолатини яхшилаш учун унга ўрнатилган ҳар қандай узел-деталлари ёки бошқа таркибий қисмлари “Лизинг берувчи”нинг мулки деб ҳисобланади ва “лизинг обьекти” қайтариб олинганда уларнинг қиймати “Лизинг оловчи”га тўланмайди (ФК 555-модда).

11.4 Ушбу шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланади.

11.5 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси “Лизинг берувчи”га ва иккинчи нусхаси “Лизинг оловчи”га берилади.


## 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ	ЛИЗИНГ ОЛОВЧИ
<p><b>“O’ZMELIOMASHLIZING” ДУК</b></p> <p>Манзил: Тошкент шахри, Чилонзор тумани Навза кўчаси 14 ўй;</p> <p>Тел: (78)-150-36-05; 150-36-06; X/p:20 210 000 504 688 640 001;</p> <p>Банк: АКБ “AZIYA ALLIANCE BANK” Мирзо Улуғбек филиали;</p> <p><b>МФО:01 103; ИНН:300 767 864;</b> <b>ОКЭД:64 910;</b> Эл.поста info@uzmml.uz</p> <p>Ижро этувчи директор в.б. <b>Б.Бегматов</b></p> <p>Имзо  - М. й.</p>	<p><b>TUYAMO’YIN GIDROUZELIDAN FOYDALANISH BOSHQARMASI</b></p> <p>Манзили: Хоразм вилояти, Тупрокқалъа тумани, Питнак шахри, Мухаббат маҳалласи Тел: (97)5112453 ШХР:400110860332207042402170001 ИНН:200208984; ОКЭД: 36 000, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги х/в: 23402000300100001010 Банк: Тошкент шахар МБ БВХКМ МФО:00 014 ИНН:301 122 919 Эл.поста tuyamotuyngu@minwater.uz Корхона раҳбари <b>К.С.Бабажанов</b></p> <p>Имзо  М. й.</p> 

### Лизинг шартномаси лойиҳасига юридик ХУЛОСА

Ушбу лизинг шартномаси лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик” юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган талаблар асосида тузилган бўлиб, шартнома предмети, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, етказиб бериш муддатлари, тарафларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқа шартлар акс эттирилган.

Хулоса: шартнома лойиҳасини тарафлар имзодашлари мумкин.

Юрист 

*ишимончев с*

Ф.И.Ш.	Лавозими	ИЗОХ	ИМЗО
П.Бекниязов	Мониторинг, маркетинг ва ҳарид қилиш бўлими бошлиги		
О.Ахундедаева	Лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилиш ва обьектларни лизингга бериш бўлими бошлиги ўринбосари		
Б.Йўлдошев	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўлими бошлиги		

№ 22К/13-01/1 КҮШИМЧА КЕЛИШУВ

« 11 » январь 2022 ыйлдагы № 22К/13-01-СОНДЫ ЖАРТЫ

«24» январ 2022 й.

Тупроккалья тумани.

"Узмелиомашлизинг давлат унитар корхонаси" ДУК (кейинги ўринларда "Лизинг берувчи" деб юритилади) номидан Устав асосида иш юритувчи ижро этувчи директори в.б Б.Бегматов бир томонидан ва уз Устави асосида иш юритувчи Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошкармаси кейинги уринларда "Лизинг оловучи" деб юритилади номидан К.С.Бабажанов иккинчи томондан, томонлар уртасида тузилган лизинг шартномасига узгартириш ва күшимчалар киритиш тугрисида ушбу күшимча келишувни Узбекистон Республикаси ФКнинг 587-599 моддалар. Вазирлар Махкамасининг 21.12.2007 й.266-сонли карори талаблари асосида куйидаги мазмунда туздилар.

- I. 2022 йил январ ойида туланадиган лизинг тулов 246 870 000 сумни ташкил килади. 2022 йил феврал ойидан бошлаб лизинг туловлари графикка асосан асосий карзи 357 000 000 сум, маржа тулови учун 196 796 250 сум хар ойда тулананиб борилади.

II. Шартноманинг бошка барча шартлари уз кучида колдирилади.

III. Ушбу кушимча келишув тарафлар уртасида имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

IV. Ушбу кушимча келишув бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилади ва биринчи нусхаси Лизинг берувчига иккинчи нусхаси Лизинг олувчига берилади.


ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ  
ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ

Узмелиомашлизинг давлат унитар корхонаси	Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошкармаси
Манзили: Тошкент шахри Чилонзор тумани Новза кучаси 1-ий	Манзили: Тупроккальба тумани
Тел/факс: x/r: 20210000504688640001	Тел/факс: 30-54-906 ш/xр: 400110860332207042402170001
Банк: АКБ AZIYA ALLIANCE BANK Мирзо улугбек филиали	ИИН: 200208984 ОКОНХ:22100
МФО: 01103	Молия Вазирлиги ягона Фазна хисоб вараги x/p .23402000300100001010 ИИН: 201122919 МФО:00014
ИИН: 300767864	Тошкент шахри Марказий банк Тошкент шахар XKKM ИИН: 201122919 МФО:00014

M.Y.

Преемник

Б.Бегматов  
(ФИО)



M.Y

К.С.Бабажанов  
(Ф.И.О.)

10/μct

*Джонатан*


**ЛИЗИНГ ТҮЛӨВЛАРИНИНГ ХИСОБИ ВА ТҮЛӨВ ГРАФИГИ**  
**TUYAMO'YIN GIDROUZELIDAN FOYDALANISH BOSHQARMASI**нинг (Экскаватор-юклагич)

Техниканинг нархи, минг сүм.		510,000,000.0
Лизинг ставкаси (маржаси)нинг йиллик фоизи, %		21.0%
Лизинг муддати, ой		60
Олдиндан түлов (аванс) фоизи, %		30%
Аван суммаси		153,000,000.0
Кўшилган қиймат солиги ҚҚС-15%		76,500,000.0
Комиссион збор-3%		15,300,000.0
GPS-траккер		2,070,000.0
Лизинг техникасини олиб чикиб кетишгача булган харажатлар		246,870,000.0
Лизинг шартномасининг умумий пул суммаси, минг сүм		800,666,250.0

т/р	Асосий қарзни кайтарилиши хисобига техника қолдиқ нархининг камайиб бориши	Лизинг даври	Хар ойлик лизинг даврига тўғри келадиган асосий карз миқдори	Хар ойда хисобланган маржанинг миқдори	Хар ойда тўланадиган лизинг тўловлари (асосий карз ва фоизлар) миқдори
					1
A	1	2	3	4	5
1	357,000,000.0	Февраль 2022	5,950,000.0	6,247,500.0	12,197,500.0
2	357,000,000.0	Март 2022	5,950,000.0	6,247,500.0	12,197,500.0
3	357,000,000.0	Апрель 2022	5,950,000.0	6,247,500.0	12,197,500.0
4	339,150,000.0	Май 2022	5,950,000.0	5,935,125.0	11,885,125.0
5	339,150,000.0	Июнь 2022	5,950,000.0	5,935,125.0	11,885,125.0
6	339,150,000.0	Июль 2022	5,950,000.0	5,935,125.0	11,885,125.0
7	321,300,000.0	Август 2022	5,950,000.0	5,622,750.0	11,572,750.0
8	321,300,000.0	Сентябрь 2022	5,950,000.0	5,622,750.0	11,572,750.0
9	321,300,000.0	Октябрь 2022	5,950,000.0	5,622,750.0	11,572,750.0
10	303,450,000.0	Ноябрь 2022	5,950,000.0	5,310,375.0	11,260,375.0
11	303,450,000.0	Декабрь 2022	5,950,000.0	5,310,375.0	11,260,375.0
12	303,450,000.0	Январь 2023	5,950,000.0	5,310,375.0	11,260,375.0
13	285,600,000.0	Февраль 2023	5,950,000.0	4,998,000.0	10,948,000.0
14	285,600,000.0	Март 2023	5,950,000.0	4,998,000.0	10,948,000.0
15	285,600,000.0	Апрель 2023	5,950,000.0	4,998,000.0	10,948,000.0
16	267,750,000.0	Май 2023	5,950,000.0	4,685,625.0	10,635,625.0
17	267,750,000.0	Июнь 2023	5,950,000.0	4,685,625.0	10,635,625.0
18	267,750,000.0	Июль 2023	5,950,000.0	4,685,625.0	10,635,625.0
19	249,900,000.0	Август 2023	5,950,000.0	4,373,250.0	10,323,250.0
20	249,900,000.0	Сентябрь 2023	5,950,000.0	4,373,250.0	10,323,250.0
21	249,900,000.0	Октябрь 2023	5,950,000.0	4,373,250.0	10,323,250.0
22	232,050,000.0	Ноябрь 2023	5,950,000.0	4,060,875.0	10,010,875.0
23	232,050,000.0	Декабрь 2023	5,950,000.0	4,060,875.0	10,010,875.0
24	232,050,000.0	Январь 2024	5,950,000.0	4,060,875.0	10,010,875.0
25	214,200,000.0	Февраль 2024	5,950,000.0	3,748,500.0	9,698,500.0
26	214,200,000.0	Март 2024	5,950,000.0	3,748,500.0	9,698,500.0
27	214,200,000.0	Апрель 2024	5,950,000.0	3,748,500.0	9,698,500.0
28	196,350,000.0	Май 2024	5,950,000.0	3,436,125.0	9,386,125.0
29	196,350,000.0	Июнь 2024	5,950,000.0	3,436,125.0	9,386,125.0
30	196,350,000.0	Июль 2024	5,950,000.0	3,436,125.0	9,386,125.0
31	178,500,000.0	Август 2024	5,950,000.0	3,123,750.0	9,073,750.0
32	178,500,000.0	Сентябрь 2024	5,950,000.0	3,123,750.0	9,073,750.0
33	178,500,000.0	Октябрь 2024	5,950,000.0	3,123,750.0	9,073,750.0
34	160,650,000.0	Ноябрь 2024	5,950,000.0	2,811,375.0	8,761,375.0
35	160,650,000.0	Декабрь 2024	5,950,000.0	2,811,375.0	8,761,375.0
36	160,650,000.0	Январь 2025	5,950,000.0	2,811,375.0	8,761,375.0
37	142,800,000.0	Февраль 2025	5,950,000.0	2,499,000.0	8,449,000.0
38	142,800,000.0	Март 2025	5,950,000.0	2,499,000.0	8,449,000.0
39	142,800,000.0	Апрель 2025	5,950,000.0	2,499,000.0	8,449,000.0
40	124,950,000.0	Май 2025	5,950,000.0	2,186,625.0	8,136,625.0
41	124,950,000.0	Июнь 2025	5,950,000.0	2,186,625.0	8,136,625.0
42	124,950,000.0	Июль 2025	5,950,000.0	2,186,625.0	8,136,625.0
43	107,100,000.0	Август 2025	5,950,000.0	1,874,250.0	7,824,250.0
44	107,100,000.0	Сентябрь 2025	5,950,000.0	1,874,250.0	7,824,250.0

45	107,100,000.0	Октябрь 2025	5,950,000.0	1,874,250.0	7,824,250.0
46	89,250,000.0	Ноябрь 2025	5,950,000.0	1,561,875.0	7,511,875.0
47	89,250,000.0	Декабрь 2025	5,950,000.0	1,561,875.0	7,511,875.0
48	89,250,000.0	Январь 2026	5,950,000.0	1,561,875.0	7,511,875.0
49	71,400,000.0	Февраль 2026	5,950,000.0	1,249,500.0	7,199,500.0
50	71,400,000.0	Март 2026	5,950,000.0	1,249,500.0	7,199,500.0
51	71,400,000.0	Апрель 2026	5,950,000.0	1,249,500.0	7,199,500.0
52	53,550,000.0	Май 2026	5,950,000.0	937,125.0	6,887,125.0
53	53,550,000.0	Июнь 2026	5,950,000.0	937,125.0	6,887,125.0
54	53,550,000.0	Июль 2026	5,950,000.0	937,125.0	6,887,125.0
55	35,700,000.0	Август 2026	5,950,000.0	624,750.0	6,574,750.0
56	35,700,000.0	Сентябрь 2026	5,950,000.0	624,750.0	6,574,750.0
57	35,700,000.0	Октябрь 2026	5,950,000.0	624,750.0	6,574,750.0
58	17,850,000.0	Ноябрь 2026	5,950,000.0	312,375.0	6,262,375.0
59	17,850,000.0	Декабрь 2026	5,950,000.0	312,375.0	6,262,375.0
60	17,850,000.0	Январь 2027	5,950,000.0	312,375.0	6,262,375.0
	x	Хаммаси: <i>Лизинг берувчи</i>	357,000,000.0	196,796,250.0	553,796,250.0

Лизинг берувчи



Лизинг олувчи



(имзо) М.У